

# ТОНТ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 14 (65989)  
1997 йил, 15 февраль, шанба

Сотувда эркин  
наرخда



логия фанлари имтихонларига инглиз тилида тайёрланмоқда. Орзуси — отаси каби шифокор бўлиш.

Жаҳона Абдурасулова бу йил 13 ёшга қадам куйди. У Шайхонтохур туманидаги 46-мактаб-

олимпиадасида энг ёш иштирокчи сифатида фахрли VI уринни эгаллади. Утган йили яна буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига муносабати билан матбуотда эълон қилинган мақолалари учун Улугбек номли истеъдодли ёшларни қўллаш Ўзбекистон

## ЖАҲОНА

да уқиб юрган кезлари унинг ута қобилиятли, зукколигини сезган уқитувчилари тавсияси билан икки синф дастурини узлаштирди ва

синфларни «хатлаб» утди. Бугунги кунда у 41-мактабнинг 11-синфида барча фанлардан «аъло» га уқимоқда.

Ҳа, Жаҳона ҳаётида айтишга арзирли воқеалар талайгина. 1995 йилда у мактаб умумтаълим дастурларини узлаштиришдаги алоҳида ютуқлари, чуқур ва ҳар томонлама қизиқиши учун Муҳаммад Тарағай Улугбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб утказилган истеъдодли ёшлар курик-танловининг I даражали дипломи билан тақдирланди. 1996 йилда «Талаба ва илмий-техник тараққиёт» мавзуйида университетлараро инглиз тилида утказилган республика

жамғармаси таъсис этган давлат мукофотини олишга сазовор бўлди.

Отаси — тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, республика онкология ва радиология илмий-текшириш институти ташкилотчиларидан бири Жура Абдурасулов севимли қизининг узидек шифокор бўлиб, кишилар дардига малҳам бўлишни орзу қилганди. Ота орзусининг бугун рўёбга чиқишида онаси Оқила опа Жаҳонанинг энг яқин ердамчиси, устози ва мураббийсига айланган.

Яқинда Жаҳона Республикамиз Президенти Ислам Каримовга мактуб орқали уз дил изҳорини йўллади. Унда мустақил Республикамиз келажаги бўлган ёшларнинг уқитиш-урганиши учун барча шарт-

### Аълочилар ҳақида ҳикоялар

шароитларни яратиб бераётган юртбошимиздан беҳад миннатдор экани, бунга тинмай уқиб-урганиш билан жавоб беражаги, жонажон Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб хизмат қилишга бел болаганини ёзди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан қувончию фахрини, унинг «Камолот» ва иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаларини тузиш туғрисидаги Фармонлари катта ғамхўрлик намунаси эканини ҳам миннатдорлик туйғулари билан жушиб ёзди.

Жаҳона яқинда ҳукумати-мизнинг яна бир ғамхўрлигидан баҳраманд бўлди, ёш қалби бир олам шодликка тулди. Унинг иқтидори ва қобилияти, интилишлари юртбошимиз назаридан четда қолмади. Президентимиз Жаҳонага уқишда катта муваффақиятлар тилаб, унга чет эл компютерини совға қилди.

Орзуларинг амалга ошишига биз ҳам тилакдошмиз, Жаҳона!

**Замира Тўлаганова.**

## БОБУР ЮРТИ

*Ватан! Нима узи?... Шои-лар уни буюк туйғу, гоҳо муқаддас ғам ҳам деб атайдилар. Ростдан ҳам шундай бўлса бу туйғунинг илди-зи қасрда?! Қасрдан бошланади бу ғам? Ватан юрак мулки, қалб мамлакатимикан?!*

*Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур Андижон-нитарк эаётганида Ватандан ҳам жудо бўлганмиди? То-жу тахт талош бўлган талотул замон шоирининг ҳамон та-корор этилаётган сатрларини э-сланг:*

Толеси йўқки жонимга  
балюлиғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим  
хатолиғ бўлди.  
Ўз юртни қўйиб Ҳинд сори  
юзландим  
Ё раб нетайин не юз  
қаролиғ бўлди.

*Орият мулкининг султони шоҳ Бобур, шерьият мулкининг нозиктаб шоири Бобур билан Ҳиндистон узра туркий туеларини ҳилпира-тишганида ҳаволанишдими? Аксинча! Шоҳ Бобур адолат билан, шоир Бобур эса меҳру садоқат билан Ҳинд халқига хизмат қилишди. Кунгиллари эса Андижондан узилмади. Ҳиндистон заминидан оламга машҳур «Тожмаҳал» қад кутарганда эҳтимол жудалик жабридан дол шоҳ ва шоирнинг қалди хиёл кутарилгандир. Ахир «Тожмаҳал» Ҳиндистондаги Туркистон рамзи эмасми?!*

*«Тожмаҳал» Ватан билан қалб ошфуғлиги эмасми? Энди айтнинг-чи, улуг сиймоларимиздан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ватанни тарк этганмиди?*

*Шоир таваллудининг 514 йиллигини нишонлаётган юрт Бобур юрти дейилса хато бўлмас. Бобур севган бу муқаддас Ватан бизнинг ҳам ватанимиз эканлиги эса фахрдир.*

## БАҲОРИЙ КАЙФИЯТ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги 504-болалар боғчасида ҳамиша баҳор! Хоналар наинки гуллар, гуллоладек гуркираб усаётган болалар билан файзли. Угил болалар ва қизлар алоҳида гуруҳларга ажратилган. «Нодирабегим» гуруҳида катта ёшдаги қизчалар тарбияландилар. Улар бир-бирларини ҳурмат қилиш, уй ишларида ота-оналарига ердам бериш, бичиш-тикиш, туқиш сирларини урганадилар. «Паҳлавон» гуруҳида угил болалар эса жисмоний жиҳатдан бақувват, мард ва ватанпарвар бўлиб



Уқувчи қизлар, тўқувчи қизлар...

улғаймоқдалар, десак хато эмас. Кичкинтойлар учун му-сиқа хонаси сирлар, сеҳрлар оламига саёҳат уюштиради.

Деворлардаги суратлар-у ус-тозлар чалиб берган куйлар, биргаликда ижро этилган қу-шиқ ва рақслар уйғотган баҳо-

рий кайфият болаларнинг умр йулларида ҳамиша ҳам-роҳ булади деб уйлаймиз.

**Маъмура МАДРАҲИМОВА.**



## Автобуста ОПАЖОН ДЕСАМ, ОГРИНМАНГ, ОПА...

— Уқиб шаҳар олиб берар мидинг, кутар манавуни— Овоз келган томонга утиридим. Писта тула халтани углига узатаркан, аёл гудрай-гудрай автобуста чиқди.

— Кечкурун елгиз қайтаманми?

— Дареларим-чи?

— Эй-й, зур булса битта олим камаяр.

Бекатга етгунча ҳалиги аёл шериги билан бозордаги маш-машаларни айтиб, нолиб бо-ришди.

— Менинг укам мактабни зурга битирганди. Ҳозир унча-мунча одам у билан уйлаб саломлашади. Катта фирма очган. Тагида машина, зуридан.

— Эшитдингми, — деган-дек она боласига бошини ил-гади, шеригининг тасдигидан суюнди. Улар мақтанишяпти-ми, фахрланишяптими, узла-ри ҳам билишмасди. Бойлик-ни куз-куз қилиш, нари борса баднафси мол-мулк билан туйдириш мумкин.

Охири чидаб туролмадим, юзига қараб, дилимдагини туйкиб солдим.

— Опажон, десам, огринманг! Яширинча сотиб олган китоби учун койиманг, дил-бандингизни. Сиз шу арзи-мас пул билан ҳеч нима йўқот-майсиз-ку! Зур булса бозор, битта Эррайимини йўқотар.

Олимини йўқотмасин эл, юз йилда бир тугилажак оли-мини.

Ана ушанда фахрланиб юра-сиз: «Буладиган бола эди-да!» деб.

Ортингизга утирилиб, узин-гиздан бадавлат одам топол-майсиз. Углингизнинг кела-жагини уйланг, опажон...

**Қаноат БОЙХОН.**

## Мактабда АЪЛОЧИ БЎЛСА — ГУНОҲМИ?

Ҳозир Республикамызда дарсликлар етишмаслиги муам-моси бор. Уртоқларимдан эшитишимча, баъзи мактаб-ларда йилдан-йилга дарслик-ларни авайлаб сақлаш йулга қуйилмаган. Унинг сабаби дарсларни узлаштиролмайдиган болалар китобни яхши асрамасликлариди. Кутубхона жамғармасидан ажратилади-ган китоблар асосан «икки-чи» ларга берилиб, аълочилар-га эса «Бошқа китоб йўқ, сен аълочисан-ку, бирон бир урто-гиндан олиб, уқиб келарсан», — дея китоб беришмаяпти. Аслида «иккичи»лар китоб-ларни йиртиб, йўқотиб, буяб уларга чизиб утиришади. Бирон-бир қийинроқ мисол эки мавзу берилса, китобнинг уша варагини йиртиб ташлаб, бу бет менда йўқ экан деб баҳона қилишади.

Менимча, аълочиларга китоблар тулиқ тарқатилиши ке-

рак. Чунки улар мустақил тайёргарлик куришади. Ки-тоб билан куп ишлайдилар. Агар уқишмаса, илғорлар ҳам яхши узлаштира олмайдиган болалар қаторига қушилиб қо-лиши ҳеч гап эмас. Истагим, барча яхши имкониятлар ав-вало аълочиларга берилсин.

**Гулнора ОДИЛОВА,  
Мирзо Улугбек  
туманидаги  
113-мактаб ўқувчиси.**

## Уйда ЁЛҒОНЧИ ЭКАН...

Қушнимизнинг қизи Фе-руза 4-синфда ўқийди. У мен билан суҳбатлашиб утириб, бизнинг синфда ҳеч ким ёлғон гапирмайди, деди. Сен қаердан биласан десам, у шундай деб жавоб берди: «Ўқи-

## Тўйда ЎНҒАЙСИЗЛИК

Дониёр ота-онаси ва опаси билан ҳаётида биринчи маро-таба поездга тушиб, узоқ қа-риндошлариникига туйга бор-ди. Ясаниб олган бу тенгдо-шингиз аввал туйхонада янги танишган уртоқларига чет эл кийимларини куз-куз қилди. Кейин мактабда фақат «5» баҳога ўқишини айтди. Ле-кин янги дўстларининг олди-да тоғасининг қизи Лобар пайдо булди:

— Болаларни нега алдаяп-сан, ёлғончи? — деди қизча, — ҳатто урта баҳога ҳам ўқи-майсан-у ёлғонни ростга айлантиришга аълочи экан-сан.

Шаҳарлик болага ҳавас би-лан қараб турган болакайлар бу гапдан кейин унғайсизла-

лишади. Кашта тикишни қаердан, кимдан ургангансан? — деб қизиқяпсиз, шун-дайми?

Мен Тошкентдаги миллий хунаромандчилик лицей- мактабининг 5-синфда ўқийман. Онажонимнинг айтишларича, мурғаклигимдаёқ рангларни яхши курган эканман. Менга айниқса, шойи ипларнинг жи-лоси жуда ёқади. Кашта ти-кишнинг нозик томонлари-ни анча урганиб олдим. Яқин-да онажонимни яна қувонти-радиган булдим. Нега дейсиз-ми? Бувижонларимиздан биз-га мерос бўлиб келатган нафис зардузлик санъатини ўрганишга киришдим. Усто-зим Насиба опа Абдурахимо-ва: «Қиз бола нафис санъатни эгаллаши керак. Ушанда ун-даги нафосат, нозиклик яна-

лан зар нақшлар солинган чи-ройли румол тухфа қиламан.

**Нигора МАҲКАМОВА,  
Тошкентдаги 1-миллий  
хунаромандчилик лицей-  
мактабининг 5-синф  
ўқувчиси.**

## Бозорда ДАРС ПАЙТИДА НИМА ҚИЛИБ ЮРИБСАН?

Агар эшитган булсангиз, Сирғали туманида автомобиль ва транспорт эҳтиёт қисмлари сотиладиган бозор бор. Яшаш жойимизга яқин бу бозор дои-мо одамлар билан гавжум.

Дам олиш куни эди. Уртоқ-ларим билан бозор айланиб, бир-бирдан куркам машина-ларни завқ билан томоша қил-дик. Бирдан, биз турган жойдан 30-40 қадам нарида қий-чув бошланиб кетди. Ҳар томондан «Ушла, угрини, ур» деган бақир-чақирлардан ан-гладикки, воқеа содир булган жойга одамлар ёпирилиб кет-ган. 40-45 ёшлардаги амаки ураётган иккита бола угир-ликда қулга тушибдилар. Узимиз тенги булган бу болаларга роса раҳмимиз келди-ю, қули-миздан ҳеч нарса келмаслиги-ни сезиб, бошқалар сингари томошабин булиб туравердик. Орқаворотдан эса «Угрининг жазоси шу», «Бу калтаклар ҳам кам уларга», — деган гап-лар қулоққа чалинарди. Шу орада милиционер етиб кел-ди, болаларни курди-ю воқеа-ни дарҳол англади. Чунки уни «яна сенларми?» деган сўзларидан йигилганлар ҳам ҳушёр тортиди.

Маълум булишича, бу ик-ки успириннинг калтаклани-ши улар учун янгилик эмас экан. Икки тенгдошимизни-нг бу қалтис йулга киришига нима сабаб булдикин? Бал-ки ота-онаси фарзанд тарбия-сидан йироқдирлар. Бирга бул-ган тақдирда ҳам эътиборсиз-дир? Тугишганлари уларнинг бундай «қора ишлар» билан шуғулланиб юрганларини би-лишмас? Улар таълим олаёт-ган мактабдагилар-чи? Бекор-чидан худо безор. Балки, улар ҳеч қаерда ўқишмас ҳам? Эсиз умр, эсиз ёшлик. Биз бундай тенгдошларимиз билан эртан-ги ёруғ кунларимизни қандай тасаввур қиламиз? Иш, ўқиш соатларида ҳам одамлар гав-жум, бозор ва бекатларда шун-дай бекорчиларни учратиш мумкин. Сенинг бугунги ва-зифанг ўқиш ёки хунар урга-ниш, деб уларнинг қулидан тутиб, тугри йулга стақлайди-ган катталардан илтимосим: Бироз эътиборли булинглар. Болалардан ҳатто дарс пайти-да нима қилиб юрибсан, деб суриштиринг.

**Акрамжон ҚУЧҚОРОВ,  
Сирғали туманидаги, 284-  
мактабининг 9-синф  
ўқувчиси.**

# КАБУТАР ҚАНОТИДАГИ МАКТУБЛАР

тувчимиз Мунаввар опа агар ким ёлғон гапирса мен уша боланинг кузларидан билиб оламан, деганлар. Шунинг учун мен ҳам ёлғон гапир-майман, ёлғон гапирса ёмон булади деб бувижоним ҳам айтганлар». Дугонам Дилшоода дафтар олиш учун ойисидан пул сўради. Ойиси қулим банд, қизгинам, узинг ола қолгин, — деди. Дилшоода хуп булади, ойижон деб, 5 сўм урнига 10 сўм олволди. Вой, нега ундай қиласан десам, ойим қанча олганимни сўра-майдилар-да, деди.

Кеча бозорда амакимдан пул сўраб олдим-ку, уша пул-га ҳам ширинлик сотиб олганимни айтмадим, чунки ойим ёлғон гапирганимни ҳеч сезмайдилар деди. Мен эса ойимни ҳеч алдолмайман, де-дим.

**Хуршида БОЙМИРЗАЕВА,  
Тошкентдаги 248-мактаб  
ўқувчиси.**

ниб қолишди. Чунки Дониёр илк танишувдаёқ уларнинг ҳавасини келтирган эди. Гап-лари бурро, қарашлари, кийи-нишлари ёқимли. Лобар туй-магур Дониёрга айтганлари-ни улар ёлғиз қолганда айтса ҳам буларди-ку. Энди киш-лоқ болалари бу йигитчани яна қачон куришади-ю, қачон унинг ўқиш, ишлари билан қизиқишади? ..

**Мақсуда ҲАЙИТБОЕВА,  
Тошкент вилояти,  
Зангиота қишлоғи.**

## Тўгарақда ЮРАГИМДА БИР ЁРУҒ ҚУВОНЧ

Мени онажоним «Узим-нинг чевар қизим», деб эрка-лайдилар. Уларнинг олқиш-ларидан суюниб кетаман. Уйи-миздаги дарпардаларга тик-кан кашталаримни келган меҳ-монлар қизиқиб томоша қи-

да ёркинроқ куринади», — дейдилар. Ҳозир зардузлик-нинг бухороча услубини ур-ганаяпмиз. Машғулларимиз ниҳоятда қизиқарли. Ҳар бир нақшни тикаётганимда юра-гимда ёруғ қувонч уйғонади. Насиба опамнинг айтишларича, мендан яхшигина каш-тачи чиқармиш. Лицей-мак-табимиз қошида махсус цех ташкил этилган. Цехимиз буюртма асосида иш қабул қилиб, муддатида битказиб бермоқда. Айни пайтда дуго-наларим Дилбар Мусажоно-ва, Мухлиса Содиқовалар би-лан халат ва куйлақларни зар-рин нафис туллар билан бе-заяпмиз. Ишларимиздан ўқи-тувчисимиз Насиба опа ҳам беҳад хурсанд.

Навруз кунига онажоним-га атаб ажойиб совға тайёрла-моқчиман. Қанақа совға деяп-сизми? Уларга уз қулим би-



Қузларининг мўлтиратиб,  
Нима дейсан, қўғирчўғим?

Қуларингга тақай десам,  
Ўзимда йўқ кўзмуноғим.



# ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! «ЎЛКАМДА— НАВРЎЗ» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон телевидениеси Болалар ва ўсмирлар тахририятининг «Катта танаффус» кўрсатуви ўз газетангиз «Тонг юлдузи» билан ҳамкорликда «ЎЛКАМДА— НАВРЎЗ» деб номланган ишолар танловини ўтказлади. «Катта танаффус» кўрсатуви вақтининг озлиги назарда тутилиб, ишоларнинг энг саралари «Тонг юлдузи» газетасида эълон қилиб борилади.

Азиз болалар! Иқтидорингизни синаб кўринг. Балки голиб чиқарсиз! Сизни «Катта танаффус» телеуйини ижодкорлари ҳамда ТВ дирекцияси ва «Тонг юлдузи» газетаси тахририятининг махсус совғалари кутмоқда. Республикадаги барча мактаб, лицей ва гимназияларда таҳсил олувчи 18 ёшдан ошмаган жамики ўқувчилар бу танловда қатнашиши мумкин. Танловда тахририятимиз қуйидаги шартларга эътибор беради:

1. Ишо ўқувчи самимияти ва истаклари билан ёзилиши керак.

2. Ўз қишлоғингиз, маҳалла ва шаҳрингизда бўлиб ўтадиган Наврўз кечалари баландпарвоз сўзлар билан эмас, балки қандай ўтса шундайлигича содда сатрларда изоҳланиши шарт.

«ЎЛКАМДА— НАВРЎЗ» деб номланган ишолар танлови «Катта танаффус»да эълон қилинган, вилоятлардан хатлар оқиб кела бошлади. Бу сонда эътиборингизга тенгдошларингизнинг ишоларидан намуналар ҳавола қиляпмиз.

Манзилмиз: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси — 69. Ўз. ТВ. Пайшанба дастурининг «Катта танаффус» кўрсатуви ва Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси — 32. «Тонг юлдузи» газетасига.

қайнапти, фақат бироз бошқачароқ манзара пайдо булади. Кундузи қуёш порлайди, тунда эса электр лампалари чарақлаб туради. Кулгу, қийқириқлар, шух-шух айтишувлар ҳали давом этмоқда. Энди кекса боболаримиз отабоболаридан эшитган ривоят-хикоятлар, ажойиб ялгалар ва лапарлар айтиш билан овра. Атрофида ёш келинлар, қизлар улар айтган ялла-лапарларга маҳдиё булиб тинглаб утиришибди.

Мана, сумалак ҳам димланди, энди момоларимиз доираларини шух чалиб қизларни, келинларни даврага чорлайдилар. Қизлар келинлардан, келинлар қизлардан қолишмай даврани қиздиришади. Шундай қилиб, тонг ҳам отиб қолибди, бунга ҳеч ким сезмабди. Ана энди, дастурхонга шох таом— сумалак тортилади. Яна давраларимиз қизигандан қизиб кетади. Хуллас, қишлоғимиздаги Наврўз сайли ҳақида ёзверсам адо




## 7 рақами — Наврўзнинг рамзи

Манбаларда айтилишича, қадимда Наврўз олти кун давом этган. Унинг беш кун байрам сифатида халқ ўртасида кенг нишонланган, тўй-томошалар бўлган. Олтинчи кун эса халқ ва подшолар бу байрамни биргаликда давом эттирганлар, энг катта танталар шу кун уюштирилган.

Наврўздан 25 кун олдин аёллар ҳар хил идишларда донни тозалаб элаб қуйишган ва уларга шу донни экишган. Наврўз-

га—сапомлар берар, подшога ҳам ноз—неъматлар олиб келардилар. Барча муаммолар ва масалалар ҳал қилинарди, ечимини топарди, солиқ солиш вақти бошланарди. Шунингдек, шу кунлари жазоланган кишиларнинг айбидан утиларди. Дастурхон безаш ҳам аниқ белгиланган удумга мувофиқ бўларди. Барча таомлар етти рақами билан боғлиқ бўларди. 7 рақами Наврўзнинг рамзи ҳисобланарди. Ҳар бир сабатда еттита нон ва шунча дарахт шохлари



ШОШИЛИНГ,  
НАВРЎЗГА  
33 КУН  
ҚОЛДИ

### ҚИЗЛАРНИНГ ҲАВАСИ

Бизнинг қишлоғимизда байрамни ўтказиш учун ҳамма қишлоқ аҳли бир катта майдонга йиғилишади. Биз буерни стадион деб атаيمиз. Туғри, бу майдон жуда замонавий қурилган стадион эмас. Лекин у ерда байрам ўтказишнинг мана бундай гашти бор: Ҳаммаёқ кумкўк ўт-уланлар билан қопланган, гуллар очилган, ҳалинчақлар солинган. Бир томонда йигитлар, бир томонда қизлар бир-бирига навбат бермай турли хил улан ва айтишувлар, лапарлар айтишмоқда. Бошқа томонда кураш, хуроз уриштиришу арқон тортиш. Шундай қилиб байрам танталари бошланиб кетган.

Мана бу ерда эса байрамнинг шох таоми— сумалак тайёрланмоқда. Момоларимиз қозон атрофида утириб доира чалиб ёр-ёрлар, лапарлар айтишмоқда. Бу байрамда қария отахонларимизнинг ҳам ҳиссалари чексиз. Улар шундай улуг кунларда бир-бири билан аразлашиб қолган кишиларни яраштирадилар, ёшларга насиҳат қилдилар ва бошидан ўтган воқеалардан сузлаб берадилар. Улар фақат бу билан чекланиб қолмадилар, балки ҳамма ишда момолари-

миз қатори бошчи буладилар. Энг ажойиб— курашишни кекса боболаримиз бошлаб берадилар.

Ҳа, эсим курсин-а, сизларга фақат турли томошалару уйинлар ҳақида ёзибман-у, бизнинг ажойиб, кекса момоларимиз қуллари билан тайёрланган, табаррук, бир-биридан ширин миллий таомларимиз билан безатилган дастурхонимиз ҳақида ҳеч нарса ёзмабман. Ҳа, майли, ҳечдан кура, кеч деганларидек энди ёза қолай. Кум-кўк ўт-уланлар устига куркам гиламлар, сунгра эса курпача ва дастурхон кенг қилиб ёзилади. Дастурхонимизда, юқорида айтганимдек, миллий таомлар қуйилган булади. Албатта, кексаларимиз олдин ёшларни дуо қилишади ва уларга Оллоҳнинг узи мадаккор булишини тилашади. Энди ёшлар хизматда, кексалар иззатда булишади. Ёшлар дастурхонларга дошқозонларда дамланган ошлардан, шурва-ю лағмонлардан келтириб туришади. Хуллас, шух-шодон қийқириқ ва кулгу янграб турган бир пайтда аста-секин кеч кира бошлайди. Сиз, энди булди ҳаммаси уй-уйига тарқалади, деб уйламанг, йўқ, бизда байрам ҳали тугаганича йўқ. Ҳали дошқозонларда сумалаклар

булмасов, ёзверсам ган кун. Байрамда янги тушган келинларнинг таъзим қилишларию қизларнинг уларга ҳавас билан қарашлари ҳақида ёзмам ҳам булаверади.  
**Назокат АЛЛАМУРОВА,**  
Кашқадарё вилояти,  
Чироқчи тумани,  
Охунбобоев жамоа хўжалиги, Дам қишлоғи.

нинг биринчи кун эса етилган бошоқларни эзиб, уларга қараб шу йил ҳосил қандай бўлишини билиб олишар экан. Узилган бошоқлар эса овқат сифатида истеъмол қилинган. Шу кун одамлар бир-бирпарига сов-

ёки новдалар, еттита танга, етти хил ширинлик тортиларди ва булар муқаддас исриқ билан тўтиларди.  
Носирбек МАХМУДОВ,  
Тошкент вилояти,  
Зангиота тумани,  
Хонобод, Мустақиллик жамоа хўжалиги, II-бўлим,  
Тинчлик кўчаси, 3 уй.

Ф СП-1

Ўзбекистон Алоқа Вазирлиги «Матбуот уюшмаси»  
" ТОНГ ЮЛДУЗИ " 64563  
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна соми

1997 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЎТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в.	жойи

64563

(нашр кўрсаткичи)

" ТОНГ ЮЛДУЗИ "

(нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна соми
янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)



**УЙИМИЗ БЕКАТ  
ЁНИДА**

Айтмасам булмайдиганга ухшайди. Уйимиз шундоқкина 153-автобуснинг Шакарховуз бекати ёнгинасида. Йулочиларнинг автобус кутишлари учун бекатга усти ёпиқ айвонча урнатилиб, уриндиклар ясалган. Аммо кеч булиши билан бу ерга катта ёшдаги болалар келиб утиришиб, эрмакка уриндик тахталарини кучиришади, айвонча томидаги тунукачаларни букишади. Билмадим, бу қули қичиганларнинг бошқа иши йуқмикан? Ахир ёмгир қор ёққанида купчилик автобус кутадиган пана жойни бузиш жуда катта

**Увол - а!**

Кулларида бир чумчуқ,  
Уни уйнар уч бола.  
Гуё эрмак, уйинчоқ,  
Қийнашарди, увол-а!  
  
Қуш оёғи тушовли,  
Уни тошдек отишар.

Учарга ҳеч йуқ ҳоли,  
Йулга тап этиб тушар.  
  
Йулдан утган бир кампир  
Куриб деди:  
— Қийнаманг!  
  
Болалари бор, ахир,  
Улдирасиз, уйнаманг!

Овқат излаб келгандир,  
Раҳм этинглар,  
шурликка.  
Ечинг ипин, учсин бир  
Кенг самода у тикка!..  
  
Уша-уша уч уртоқ  
Қушларга ин ясашар.  
Қалин қорлар ёққан чоғ  
Дон-дун сепиб туришар.  
Фиёс КОМИЛОВ.

**ҲЕЧ ПЛАШВИШ  
ШОРЧМААНҲ**  
Тузни тўкиб юборди  
Укам Тоҳир бир кун.  
Ойим кўриб қолди-ю,  
Роса койиди уни:  
— Туз ҳам тансиқ бўлармиш,  
Исроф этма, ҳой Тоҳир!  
У дер: — Тортманг, ҳеч ташвиш,  
Орол тўла туз, ахир!  
Наргиза АЛИХОНОВА,  
Андижон вилояти,  
Куйганёр қишлоғидаги  
47-мактаб.

**Зирапча**

гуноҳ-ку! Нега буни уша қули қичиган болалар тушунмас экан?  
**Илхом ЙЎЛДОШЕВ,**  
Тошкент вилояти, Эркин қишлоғи.

**Мактублар  
КУТИСИ**  
D.M.M  
ҚУТЛОВИ

Азиз митти «ЗИРАПЧА»,  
Салом йўллар фарзандлар.  
Ўғил-қизу невара  
Сендан жуда хурсандлар.


Ёшлар учун оғишмай  
Улашавер кўп кулги,  
Сени дилдан қутлайди  
Шоир бобонг — ёшулли!

Саид МАТЁКУБОВ,  
Хоразм вилояти, Хонқа тумани.

**ЯНГИЧА УСЛУБ**

Мактабдошим Ҳилоланнинг дадаси туманимизда энг ёш терговчи. У дастлабки иш тажрибасини хонадонидан — дугонам ширин чой ичган шакардан эмас, фарзандининг қанд қутида қолган бармоқ изларини қидиришдан бошлади.

— Папканг қани ўғлим?  
— Сотиб юбордим,  
бизнес қилиш керак-да.  
М.ЭШОНКУЛОВ расми.



**Антиқа хабарлар  
АБЖИРЛИК  
ГОЛИБИ**

Кеча ўқувчиларнинг «Ким абжир» кўрик-танлови булиб утди. Унда раисимизнинг хужалик ишлари буйича муовини Абдулла аканинг ўғли Абдубоқи голиб деб топилди. У омордан умариб чиққан миҳлар дуслариникидан бир дона куп эди-да!

Махбуба СУЛАЙМОНОВА,  
Фарғона вилояти,  
Учкўприк туманидаги  
20-мактаб ўқувчиси.

**Табриклар ва  
истаклар  
КУВONIШСИН  
ФАРЗАНДЛАР**

«Тонг юлдузи»нинг шанба сонидида «Зирапча» саҳифасини угил-қиз, келинуневаралар билан биргаликда ўқиб, жуда-жуда севиндик. «Зирапча», сенинг илк қадаминг фарзандларимизни хушнуд этиши билан бирга бошқаларга меҳрибон, жамоа мулкига жони ачийдиган, катталарни ҳурматлайдиган булишга ундайди.

Бундай эзгу ишларингн янада яхшироқ давом эттиришингда сенга муваффақиятлар тилайман. Ҳамиша бегубор кулги улашавер, фарзандлар қувонаверишсин!

**Назиржон НАЗАРОВ,**  
машхур хонанда,  
педагогика фанлари  
номзоди.

**ДАДИЛ  
ОДИМЛАЙВЕР!**

Неварам Сиймонинг биринчи бор газета ўқиб, кулганини кўриб иччимдан суюниб кетдим. Қарасам, ўқитгани «Зирапча» саҳифаси экан. Эй «Зирапча», болаларни қулдиришдек ажойиб ишда сенга омад ёр булаверсин! Ҳеч толмагин, дадил одимлайвер!

**Шоди МАРДИЕВ,**  
Самарқанд вилояти  
радиоси ходими.

— Нега дарсга бир соат кеч келясан?  
— Опа, кеча ўзингиз кундузи бир соат қисқарди, дегандингиз-ку!  
**Рассом Мурод Унгаров.**



Уқитувчи Асрордан сўради:  
— Куй расмини чизишда сенга ким ёрдам берди?  
— Куйнинг узи.  
— Е тавба! Сенга куйнинг узи келиб, уз расмини чизиб бердимми?  
— Йук, китобдаги куй расми устидан чизиб, бошқа қоғозга туширдим-да!  
\*\*\*  
— Дада, чилдирмам яна ёрилди, яхшироқ тери топиб, қошлаб беринг.  
— Уғлим, сендан чилдирмакеш чиқмас экан, яхшиси карнай чалишни урган, у ёрилмайди.  
— Карнайни қаердан оламан?  
— Бир карнайчига шогирд тушасан-да!

**Зирапча  
Хандалари**

— Акмал нонушгага олиб қуйган торт қани?  
— Кечаси қоронғуда уни билмасдан еб қуйибман!  
\*\*\*  
— Мен берган дорини ичганингдан кейин йуталинг босилдимми?  
— сўради шифокор Одилдан.  
— Йук, дорингизни ичмасимдан олдин йуталим қолди, кейин дорини йуталаётган кучугимга бергандим, аччиқлигидан у ҳам ташлаб юборди.  
\*\*\*  
— Қизим, куп енгилтак булмай, оғир бул!  
— Бутти ойи, бундан кейин семиришга ҳаракат қиламан!

**РАССОМ ХАНДАСИ**



**ТОНГ ЮЛДУЗИ**

**Муассислар:**  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ КЎМИТАСИ

**Бош муҳаррир  
Умида  
АБДУАЗИМОВА**

**Таҳрир хайъати:**  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва сяхифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г -086. 9381 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топириш вақти 19.00 Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтин тартиби № 000137  
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
• Нашр кўрсаткичи: № 64563  
• Телефон: 33-44-25